

## **MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti**

O'zbekiston Respublikasi, 100135, Toshkent sh., Bunedkor ko'chasi, 52-A uy, tel.:71 2767557, faks:71 2769776, e-mail: korifey\_aft@mail.ru

### **Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

«**Хонқа дон маҳсулотлари**» АЖ га Манзил: Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Хонқа тумани Мулла-ёп кўчаси 64- уй, индекс 220800 Телефон: (0-362) 39-91-136, Ҳисоб рақами: 20208000200232736001 АТБ Агробанк Хонқа филиали МФО 00560, СТИР 200429242, ИФУТ 10.61.0.

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti Манзил: 100135, Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 52А уй, телефон: (0-371) 276-75-57, факс: (0-371) 276-97-76 Ҳисоб рақами: 20208000604131303001, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси қошидаги Амалиёт бошқармаси, МФО 00451, СТИР 203667490, ИФУТ 69.20.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2001 йил 07 августда № 669 сон билан рўйхатга олинган Гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 1 апрелда берилган Серия АФ № 00744-сонли лицензияси. МЧЖ «GARANT INSURANCE GROUP» сугурта компанияси томонидан 18-май 2020 йилда берилган № GI 018940 - сонли сугурта полиси.

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti директори Тверянкин Владимир Борисович (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 18-декабрда берилган 04899-сонли сертификати).

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti аудитори Юсупов Максудбек Матназарович (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 19- февралда берилган 04514-сонли сертификати) томонидан «**Хонқа дон маҳсулотлари**» АЖ билан 2021 йилнинг 06- январидан тузилган № 01/21 сонли шартномага асосан «**Хонқа дон маҳсулотлари**» АЖ нинг «Бухгалтерия баланси» Ф№1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 4, «Хусусий капиталлар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 5 ларнинг 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «**Хонқа дон маҳсулотлари**» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва

ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи «**Хонқа дон маҳсулотлари**» АЖ нинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МChJ «KORIFEY-AUDIT»**  
**auditorlik tashkiloti**

Директори :-

Аудитор:-



**Тверянкин В.Б.**

**Юсупов М.М.**

2021 йил «20» феврал



Рег. № \_\_\_\_\_